



ТАСДИҚЛАНГАН
«Хазорасп пахта тозалаш» АЖ
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил 24 июндаги
қарори билан

**«ХАЗОРАСП ПАХТА ТОЗАЛАШ» АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ**

**ИЧКИ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

2016 йил

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	
II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ ВА МАҚСАДЛАРИ	
III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ	
IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	
V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР	
VI. ИЧКИ НАЗОРАТ УСЛУБЛАРИ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ.....	
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу «Хазорасп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ички назорати тўғрисида»ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, «Хазорасп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015йилдаги 9-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом ички назорат тизимининг мақсади ва вазифаларини, унинг фаолият юритиш тамойилларини, шунингдек ички назорат учун масъул Жамият органларини ва шахсларни белгилайди.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ ВА МАҚСАДЛАРИ

3. Ички назорат – бу Жамият фаолиятига ўрнатилган ва Жамиятнинг асосли ва тўлиқ мақсадларига эришиш мақсадида қуйидаги соҳаларда хатарларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир:

фаолият самарадорлиги ва унумдорлиги, шу жумладан фаолият юритиш самарадорлиги даражаси, даромад олиш ва активларни ҳимоя қилиш;

молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва аниқлиги;

Жамият фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларига ва ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлиги.

4. Ички назорат тизими – бу ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган, Жамиятда тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши, ижроия органи ва барча босқичлардаги ходимлар (кейинги ўринларда – ички назорат субъектлари) томонидан ва барча функциялар бўйича ташкил этиладиган ва амалга ошириладиган ички назорат ташкилий тузилмаси, назорат тадбирлари, тартиб-таомиллари ва услублари мажмуидир. Жамият ички назорат органлари аъзоларининг малакаси уларнинг фаолияти тўғрисидаги Низомда белгиланиши мумкин.

5. Ички назорат тартиб-таомиллари – бу Жамият тафтиш комиссияси, Жамият Кузатув кенгаши, ички аудит хизмати (у йўқ бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг аудит бўйича кўмитаси), Жамият ижроия органи, шунингдек Жамиятнинг ички назоратни амалга ошириш ваколати берилган бўлинмалари (кейинги ўринларда – Жамият бўлинмалари) томонидан амалга ошириладиган ва молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларива Жамият ички ҳужжатларинингбузилишини аниқлашга, Жамият томонидан кўзланган мақсадларга, шунингдек ички назорат субъектларининг ички назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш

жараёнидаги ўзаро ҳамкорлигига эришиш самарадорлигини баҳолашгайўналтирилган тадбирлар мажмуидир.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади – барча акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳисобланади.

7. Ички назорат қуйидагиларни тезкор равишда таъминлашга ундайди: активларни сақлаш, Жамият захираларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;

амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

Жамиятни ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини, Жамият бизнес-режаларини бажариш;

Жамиятни бошқаришга доир ахборотлар, молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерлик ҳужжатларининг тўлиқлиги ва ишончлилиги;

Жамият фаолиятида юзага келиш пайтида хатарларни аниқлаш, тенглаштириш ва баҳолаш;

Жамият фаолиятидаги хатарларни бошқариш ва режалаштириш, шу жумладан хатарларни бошқариш бўйича долзарб ва мос қарорлар қабул қилиш;

Жамиятнинг истеъмолчилар орасида ва ишбилармонлик доираларида яхши нуфузга эга бўлишини таъминлаш;

ижроия органи, Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шу жумладан уларнинг миқдорини белгилашда бир хилликка, шаффофликка ва холисликка амал қилиш.

III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

8. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

узлуксиз фаолият юритиш –ички назорат тизимининг доимий ва тегишли тарзда фаолият юритиши Жамиятга меъёрдан ҳар қандай чекинишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг келгусида юзага келишини огоҳлантириш имконини беради;

ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахснинг назорат функцияларини сифатли тарзда бажариши ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

мажбуриятларни тақсимлаш –Жамият назорат функциялари тақдорланмаслигининг олдини олишга ҳаракат қилади, бу функциялар ходимлар ўртасида шундай тартибда тақсимланиши лозимки, бир шахснинг ўзи алоҳида активлар бўйича операцияларни тасдиқлаш, активларнинг сақланишини таъминлаш ва уларни хатловдан ўтказиш бўйича операциялар ҳисоби билан боғлиқ функцияларни ўзида бирлаштирмаслиги зарур;

операцияларни тегишли тарзда маъқуллаш ва тасдиқлаш – Жамият барча молия-хўжалик операцияларини ваколатли шахслар томонидан уларнинг тегишли ваколатлари доирасида тасдиқлаш тартибини ўрнатишга ҳаракат қилади;

Жамиятнинг кундалик ички назоратни амалга оширадиган, аудит бўйича кўмита орқали бевосита Кузатув кенгашига функционал ҳисобдор бўлган ташкилий алоҳида ажралган бўлинмасини таъминлаш;

Жамиятда фаолият юритаётган барча ички назорат субъектларининг назорат функцияларини тегишли тарзда бажарганлик учун жавобгарлиги;

Жамиятнинг барча бўлинмаларининг аниқ ва пухта ҳамкорлиги асосида ички назоратни амалга ошириш;

доимий ривожлантириш ва такомиллаштириш –Жамият ички назорат тизимини янги вазифаларни ҳал этиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштиришни инобатга олган ҳолда, мослашиши учун қулай тарзда созлашга шароит таъминлашга интилади;

четга чиқишлар тўғрисидаги хабарларни беришнинг долзарблиги – Жамиятда четга чиқишларни бартараф этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга шахсларга тегишли ахборотни беришнинг энг қисқа муддатлари белгиланган;

Жамият фаолиятининг назорат ўрнатилган жабҳаларининг устиворлигини белгилаш – ички назорат тизими қамраб олган стратегик йўналишлар уларнинг фаолиятининг самарадорлигини ўлчаш («чиқим – иқтисодий самара» нисбати) мушкул бўлса-да, алоҳида кўрсатилади.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

9. Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади:

ўз ичига ахлоқий кадриятларни ва Жамият ходимларининг омилкорлигини, раҳбарият сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш усулини, ходимларнинг малакасини ошириш ва ташкил қилиш тузилмасини, шунингдек Кузатув кенгаши томонидан бошқариш ва раҳбарлик қилишни олган назорат муҳити;

турли босқичларда ва ички кетма-кетликда ўзаро боғланган алоҳида вазифаларга эришишдаги тегишли хатарларни мослаштириш ва таҳлил қилишни ифодаловчи хатарлартаҳлили;

сиёсатни ва раҳбариятнинг қарорлари ва маъқуллаш, санкциялаш, тасдиқлаш, текширувлар ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активларнинг хавфсизлигини кафолатлаш ва ваколатларни тақсимлаш каби хилма-хил ҳаракатларнинг бажарилаётганлигини кафолатлашга кўмаклашадиган тартиб-таомилларни умумлаштирадиган назорат бўйича фаолият;

маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлаш, уларни рўйхатга олиш ва шу жумладан барча ички назорат субъектларида Жамиятда қабул қилинган ички назорат сиёсати ва тартиб-таомилларини тушунишни шакллантириш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ахборот алмашишнинг самарали каналларини ташкил этишни ўз ичига олган маълумотлар билан алмашишга йўналтирилган ахборот алмашиш ва ахборот таъминоти бўйича фаолият. Жамият ахборотдан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш учун чоралар кўради;

мониторинг – бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига оладиган жараён, бу жараёнда тизимнинг иш сифати вақт ўтиши билан баҳоланади. Ички назорат тизимини баҳолаш молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи хатоларнинг юзага келиш эҳтимоллигини белгилаш, ушбу хатоларнинг муҳимлигини ва ички назорат тизимининг кўзланган вазифаларни бажарилишини таъминлаш қобилиятини аниқлаш учун амалга оширилади. Жамиятда ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун Кузатув кенгашининг таклифига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан мустақил профессионал ташкилот – маслаҳатчи жалб этилиши мумкин.

V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

10. Ички назорат тафтиш комиссияси, Жамият Кузатув кенгаши, ички аудит хизмати, ижроия органи раҳбари, шунингдек Жамиятнинг барча босқичлардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади. Бунда уларнинг ҳар бири ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Ички аудит хизмати мавжуд бўлмаган Жамиятда Кузатув кенгаши ҳузурида ички назоратни амалга оширувчи аудит бўйича қўмита ташкил этилади. Қўмита Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли профил мутахассислари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва бошқалар) таркибидан ташкил этилади. Аудит бўйича қўмитанинг мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Жамият Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит бўйича қўмита тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

11. Жамиятда фаолият юритаётган бўлинмаларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилади. Ушбу ҳужжатлар ички назорат масаласига бевосита ёки билвосита тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар каби ушбу Низомга зид бўлиши мумкин эмас. Ички назоратни амалга оширадиган шахсларга компенсация ҳисоблаш ва ҳақ тўлаш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

12. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тизимли равишда назорат қилишни таъминлаш мақсадида ички назорат тартиб-таомилларини ўтказиш Жамиятнинг ваколатли бўлинмаси – ички аудит хизмати томонидан, ушбу хизмат йўқ бўлган тақдирда эса ички назорат учун масъул ҳисобланган

Жамият тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг бошқа органлари ва бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

13. Кузатув кенгашининг вазифаларига қуйидагилар киради:

ривожлантириш йўналишларини белгилаш ва ички назорат тизимининг алоҳида операциялари ва стратегияларини маъқуллаш;

хар йили Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида ўтказилган таҳлил ва Жамият ижроия органи раҳбарининг, ички ва ташқи аудитнинг, тафтиш комиссиясининг доимий ҳисоботларидаги маълумотларга, бошқа манбалардан олинган ахборотга ва ички назоратнинг барча жиҳатлари бўйича ўз кузатувларига, шу жумладан молиявий назорат, амалиёт назорати, қонун ҳужжатларига риоя этилишига доир назорат, ички сиёсат ва тартиб-таомиллар назоратига асосланган ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолаш натижалари тўғрисида хабар қилиш;

Жамиятнинг ички назорат учун масъул бўлинмасининг тузилмасини ва таркибини белгилаш;

ички назорат тартиб-таомилларини мунтазам равишда такомиллаштириш.

14. Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини ва тўлиқлигини ва ички назорат тизимининг омилкорлигини ва самарадорлигини назорат қилишни ташкил этиш бўйича жавобгарлик ички аудит хизмати (Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитасига) юклатилади.

15. Жамият ички назорати тизимининг фаолият юритишига шароит яратиш учун жавобгарлик Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган сиёсатга мувофиқ ижроия органи раҳбари зиммасига юклатилади.

Жамият ички аудит хизмати (Кузатув кенгашининг аудит бўйича қўмитаси) раҳбари ички назорат тизимининг тартиб-таомилларини жорий этади ва Кузатув кенгашига Жамиятнинг барча хатарлари, ички назорат тизимининг муҳим камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича тадбир режалари ва яқунлари тўғрисида ўз вақтида хабар қилган ҳолда, унинг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

16. Исталган босқичдаги бўлинма ходимлари (шу жумладан, раҳбарлари) ўз ваколатлари доирасида назорат амалга ошириш бўйича стратегия ва тартиб-таомилларни тафсилый ишлаб чиқишда бевосита иштирок этишади.

Уларнинг вазифасига юзага келган муаммоларни ўз ваколатлари доирасида ҳал этиш киради. Ходимлар муҳим масалалар ёки муайян битим бўйича хатарлар юзага келган тақдирда, Жамиятнинг юқори раҳбарларига маълум қилишади.

17. Жамиятнинг ва унинг алоҳида бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти бўйича назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги

Низомда баён этилган доимий фаолият юритувчи ички назорат органи – Тафтиш комиссиясига юклатилади.

18. Ички назорат тартиб-таомилларининг бажарилиши устидан, аниқроғи Жамият томонидан амалга оширилаётган молия-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Жамиятнинг ҳамда унинг алоҳида бўлинмаларининг Уставларига мувофиқлигини, шунингдек бухгалтерлик ва молия ҳисоботларининг тўлиқлиги ва ишончилиги бўйича доимий назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда баён этилган ички аудит хизматига юклатилади.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

19. Жамиятнинг ички аудит хизмати Кузатув кенгаши олдида ички назорат тизими фаолиятининг самарадорлиги натижалари тўғрисида ҳисоб беради.

20. Қуйидаги шахслар Жамиятнинг ички аудит хизматида лавозимга эга бўлишга ҳақли эмас:

иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган шахслар;

Жамият ижроия органининг раҳбари ёки аъзолари ҳисобланган шахслар;

Жамиятга рақобатчи ҳисобланадиган бошқа юридик шахснинг муассислари (акциядорлари, иштирокчилари), ижроия органи раҳбари ёки аъзолари ҳисобланадиган шахслар.

Ички аудит хизмати таркибига кирадиган шахсларга бошқа талаблар Кузатув кенгаши томонидан белгиланиши мумкин.

21. Ички назорат тизимининг тегишли тарзда фаолият юритиши, шунингдек ходимларнинг ўз касбларини пухта эгаллаганликларига ҳам боғлиқ. Жамият кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш ва ходимларнинг лавозимларини ошириш тизими уларнинг юқори малакага эга бўлишини ва юксак ахлоқий тамойилларга риоя этилишини таъминлаш учун зарур саъй-ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

VI. ИЧКИ НАЗОРАТ УСЛУБЛАРИ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ

22. Жамият ички назоратининг тартиб-таомиллари ўз ичига қуйидагиларни киритади:

Жамиятни бошқаришнинг турли босқичларида ўзаро боғлиқ ва бир-бирига зид бўлмаган мақсад ва вазифаларни белгилаш;

эхтимолий ва мавжуд тезкор, молиявий, стратегик ва Жамиятнинг фаолият юритиш мақсадларига эришишга тўсиқлик қиладиган бошқа хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

ички назоратнинг муҳим таркибий қисмларини баҳолаш;

бизнес-жараёнлар ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилаш;

молиявий ва бошқа ахборотни ўтган даврлардаги ёки фаолиятнинг кутилаётган натижаларидаги қиёслаш мумкин бўлган ахборот билан муқояса қилиш;

ходиса, операция ва транзакцияларни ҳисобга олишнинг бир хил усулларида фойдаланиш;

активларнинг сақланишини текшириш;

ички назорат тартиб-таомилларини тегишли тарзда ҳужжатлаштириш;

ички назорат тизими сифатини мунтазам равишда баҳолаш;

Жамиятнинг барча ходимлари эътиборига уларнинг ички назорат соҳасидаги мажбуриятларини етказиш;

Жамият ходимлари ўртасида муҳим мажбуриятларни тақсимлаш (шу жумладан, операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операциялар ҳисобини юритиш, захираларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш мажбуриятлари);

операцияларни фақат тегишли ваколатлар берилган шахслар томонидан тасдиқлаш ва амалга ошириш;

ички назоратнинг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган бошқа тартиб-таомиллар.

23. Ички назорат тартиб-таомилини ўтказишда назорат қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш услублари, шунингдек ички назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа услублар қўлланилади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

25. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Жамият ташқи аудитори, Жамият тафтиш комиссияси, Жамият ички аудит хизмати, Жамият ижроия органи раҳбарининг таклифига кўра киритилади.

26. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ва меъёрий ҳужжатларнинг ўзгарганлиги натижасида ушбу Низомнинг алоҳида бандлари уларга зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда

Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилган пайтга қадар, Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилади.